2007 YIL 6 APREL, JUMA

QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 43 (7.192). Sotuvda erkin narxda

Куннинг муҳим воқеалари

● Европа Иттифоқи Кенгашига раислик қилиб турган Германия Федератив Республикасининг мурожаатига мувофиқ Германия Ташқи ишлар вазирлигининг Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари бўлими раҳбари жаноб Рольф Шульце раҳбарлигидаги Европа Иттифоқи экспертлари делегацияси 2007 йилнинг 31 мартидан 4 апрелига қадар Ўзбекистон Республикасида бўлди.

● Болгария Республикасининг минтақавий тараққиёт ва ободончилик вазири Асен Гагаузовнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 4 апрель куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон-Болгария бизнес-форуми бўлиб ўтди.

● Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" сув спорти саройида 1989-91 йилларда туғилган қизлар ўртасида синхрон сузиш бўйича навбатдаги мамлакат чемпионати бошланди.

● Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги муносабати билан Республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими томонидан Пайариқ туманида "Самарқанд – ер юзининг сайқали" номли тадбир ўтказилди.

● Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган Миллий ўйинлар фестивалининг Қашқадарё вилоят босқичи якунланди.

● Ўзбекистон Фанлар академиясида бўлиб ўтган «Кучимиз – бирлик ва ҳамжиҳатликда» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида шу ҳақда сўз юритилди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фото уйида мусаввир Радик Азизовнинг шахсий кўргазмаси очилди.

● Жиззах вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан бир гуруҳ нуронийларнинг Қарши шаҳрига саёҳати уюштирилди.

● Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Сиз тарихни биласизми?» анъанавий республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичи якунланди.

Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги мактабгача таълим муассасалари тизими санаториясида қирқ нафардан зиёд ўғил-қизлар олти ой давомида даволаниб, меҳрибон мураббийлар қўлида тарбияланишади. Мазкур санаторияда камқонликка чалинган болалар ўз саломатликларини тиклаб, ота-оналари бағрига қайтадилар. Ширинсўз мураббий Зурриёт Қурбонова шу шифо масканида болажонлар меҳрини қозониб келяпти.

СУРАТДА: З.Қурбонова.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Тежамкорлик, ихчамлик ва қулайлик – тараққиёт омили

Айни кунларда пойтахтимизда "Энергетика. Кимё. Машинасозлик" учинчи халқаро ҳамда "Лаборатория экспо" биринчи ихтисослашган Марказий Осиё кўргазмалари бўлиб ўтмоқда. Ҳозирги пайтда ҳар қандай соҳани замонавий технологияларсиз тасаввур этиш мушкул. Шу маънода, замонавий ускуналар тараққиётнинг таянчи, десак янглишмаймиз.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимиз энергетика тизимида ҳам ижобий натижаларга эришилди. Натижада, Ўзбекистон ўзини-ўзи энергия билан таъминлаш имконига эга давлатлар сафига қўшилди. Айни пайтда эса юртимизда энергия ресурслари, шунингдек катта миқдорда энергия талаб қиладиган кимё, рангли металлургия сингари тармоқларда тежамкорликка эътибор қаратилмоқда. Шу билан бир қаторда, бу соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириб, соҳага хориж ишбилармонларининг қизиқиши ортишига сабаб бўлмоқда.

Кўргазма

Мазкур кўргазмаларда мамлакатимиздаги энергетика, машинасозлик, кимё саноати билан машғул бўлган компания, бирлашма, корхона ва ташкилотлар қатори Германия, Россия, Украина, Туркия, Япония, Швеция, Қозоғистон сингари давлатларнинг ўттизга яқин саноат корхоналари ўз маҳсулотлари билан иштирок этганлиги бунинг далилидир.

–Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилгани ҳар бир соҳанинг ривожланишида акс этиб бормоқда, - дейди кўргазмада қатнашган "Дек-Электро" масъулияти чекланган жамияти директори Маъмуржон Умаров. – Мана бундай кўргазмаларнинг ташкиллаштирилиши эса янги имконият демакдир. Жамиятимиз икки йилдан буён Россиянинг Красноярск шаҳридаги завод билан ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқда. У ердан олиб келинган электроаппаратларни Ўзбекистондаги корхоналарга олиб бориб ўрнатиб берамиз. 2007 йилнинг уч ойи давомида 150 миллион сўм атрофида иш бажардик. Жорий йилда Самарқанд шаҳрида филиалимизни очиш ниятидамиз.

Бундан ташқари, кўргазма давомида иштирокчилар саноатда қўлланиладиган юқори сифатли лаборатория маҳсулотлари, сувни тозалаш, ўлчаш, назорат, таҳлил қилиш мосламалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар маҳсулотлари билан танишишди, ўзаро фикр алмашишди, соҳадаги янгиликлардан бохабар бўлишди. Демак, келгусида тармоқни янада ривожлантириш борасида яна бир муҳим қадам қўйилди. Зеро, техника қанчалик ихчам, қулай ҳамда тежамкор бўлса, у тараққиёт учун шунчалик фойдалидир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Дала-дўконлар кўпайгани айни муддао

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги "Гулобод" маҳалласи гавжум масканлардан бири. Бу ердаги ўттиз иккита кўп қаватли уйларда беш ярим мингдан зиёд аҳоли яшайди. Бу – шунча инсоннинг кундалик турмуш эҳтиёжларини, уларнинг қувонч-ташвишларини юракдан ҳис этиб, камарбаста бўлиш, деган гап. Уй остонадан, Ватан маҳалладан бошланади, деб бежиз айтишмайди. Шу жиҳатдан маҳалла оқсоқоли Хуршид Умаров ва фаолларнинг саъй-ҳаракатларидан хабардор бўлсангиз, одамлар турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг бошини қовуштириш, қулайликлар яратишга эътибор кучайтирилганлигини кўрасиз.

–Маҳалладошларимизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги неъматларига бўлган талаб-эҳтиёжлари қондирилиши ҳақида қайғуриш муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади, – дейди Х.Умаров. – Кундалик зарур маҳсулотларнинг маҳалла ҳудудида сотилиши алоҳида аҳамиятга эга. Чунки уларни харид қилишга кўпинча уй бекалари, баъзан катта ёшдаги фарзандлари чиқишади. Шу боис, савдо шохобчалари тобора кўпайтирилмоқда.

Янгилик

Дарҳақиқат, 2006 йили маҳаллада тўғридан-тўғри олиб келинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиладиган учта дала-дўкон очилганлиги нур устига аъло нур бўлди. Бу кичик шохобчаларда Тоҳир Султонов, Баҳодир Валиев, Бахтиёр Ибодов сингари сотувчилар маҳалла аҳлига хизмат кўрсатишмоқда.

–Ҳаётий зарурат шундай дала-дўконларни очишни тақозо этди, – дея фикрини давом эттирди суҳбатдошимиз. – Бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи вақти-вақти билан сезиларли ошади. Шундай неъматларнинг эҳтиёжга нисбатан бирмунча камлиги бунга асосий сабаб бўлади. 2005 йил кузда шу каби ҳолат кузатилганди. Аҳволни чуқур таҳлил этган республика раҳбарияти томонидан амалий чора-тадбирлар белгиланди. Улар Тошкент шаҳар ҳокимлиги, бизнинг ҳудудда эса Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан изчил амалга оширилмоқда. Бу ишларнинг самараси сифатида очилган дала-дўконларда сабзавот ва полиз маҳсулотлари бозордагидан ўртача 30-35 фоиз арзон сотилаётганлиги аҳолимизни мамнун этаяпти. Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтишим керак. Президентимиз Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистонни тараққий эттиришнинг ўзига хос йўлини ишлаб чиқиб, унинг беш тамойилини илгари сурган эди. Бозор муносабатларига ўтишда давлат бош ислоҳотчи бўлиши зарурлиги таъкидланганди. Мамлакатимизни ривожлантиришда белгиланган ушбу йўлдан изчил борилмоқда. Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш учун юқорида тилга олинган ва бошқа кўплаб амалий чора-тадбирлар кўрилаётганлиги ҳам бундан далолат беради.

Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтишим керак. Президентимиз Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистонни тараққий эттиришнинг ўзига хос йўлини ишлаб чиқиб, унинг беш тамойилини илгари сурган эди. Бозор муносабатларига ўтишда давлат бош ислоҳотчи бўлиши зарурлиги таъкидланганди. Мамлакатимизни ривожлантиришда белгиланган ушбу йўлдан изчил борилмоқда.

Шу тумандаги "Жанггоҳ", "Оқтепа", "Белтепа", "Жарариқ" ва бошқа маҳалламларнинг оқсоқоллари, фаоллари билан суҳбатлашсангиз, худди "Гулобод"даги сингари бу жойларда ҳам икки-учтадан дала-дўконлар очилганлигини, мазкур шохобчалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таъминотида муҳим омил бўлаётганлигини таъкидлашади. Муштарийларда "Дала-дўконларга нознеъматлар қаердан етказиб берилмоқда?" деган савол туғилиши табиий. Ана шу хайрли ишнинг ўзаги республика ҳукумати, Тошкент шаҳри ва туман ҳокимликлари томонидан амалга оширилаётган, Хуршид Умаров тилга олган амалий чора-тадбирларга бориб боғланади. Хусусан, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги қошидаги "Шайхонтоҳур-инвест" давлат унитар корхонаси шу ҳудуддаги бундай саъй-ҳаракатларга бошқош бўлмоқда. Унинг таъсисчилигида "Шайхонтоҳур-агроинвест" шуъба корхонаси ташкил этилди. Унга таъсисчи томонидан ишларни ривожлантириш учун 20 миллион сўм молиявий ёрдам кўрсатилди, 3 миллион сўмлик турли ускуна ва жиҳозлар ажратилди. Мутасадди идораларнинг мувофиқлаштириш хусусидаги йўналишлари боис Шайхонтоҳур тумани билан Сирдарё вилояти ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янада кенгайтирилди. Шунга биноан Мирзаобод тумани собиқ "Чинобод" хўжалиги ҳудудидан "Шайхонтоҳур-агроинвест" шуъба корхонасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ер ажратилди.

–2006 йили 200 тоннадан зиёд полиз маҳсулотлари, 120 тонна пиёз ва сабзи, 62 тонна картошка ҳамда бошқа маҳсулотлар дала-дўконлар орқали аҳолига бирмунча арзон нархларда сотилди, – дейди "Шайхонтоҳур-агроинвест" шуъба корхонаси раҳбари Толиб Рўзиев. – 2007 йили Мирзаобод туманидаги деҳқончилик ишларини янада ривожлантириб, пойтахтликларга етказиб бериладиган маҳсулотларнинг умумий ҳажмини 500 тоннага етказишга жазм этганмиз. Бу борада биз Мирзаобод тумани ҳокимлигининг мададига, Ҳасан Ҳожимуродов сингари тажрибали қишлоқ хўжалиги ходимларининг омилкорлигига таянамиз.

Пойтахтнинг бошқа туманлари билан Жиззах, Тошкент, Андижон ва қатор вилоятлар ўртасида ана шундай ҳамкорлик алоқалари тобора кучайтирилмоқда. Аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни кўпайтиришнинг рағбатлантирувчи усулларидан ҳам тобора кенгроқ фойдаланиш чоралари кўрилаётир. Чунончи, шу мақсадда ташкил этилган "Пойтахт-таъсис" давлат унитар корхонаси Қибрай туманидаги тўққизта агрофирма таркибига кирувчи 113 та деҳқон ва фермер хўжаликлари билан сифатли, бирмунча арзон нархда картошка етиштириб бериш юзасидан шартномалар тузиб, уларга 2007 йил баҳори арафасида 329 тонна уруғлик етказиб берди. 85-90 кунда пишиб етиладиган бундай аъло навли картошка аҳоли талаб-эҳтиёжини қондиришда муҳим омил бўлади. Шунингдек, ушбу корхона жамоаси таъминотдаги ўз улушини янада кўпайтириш чораларини кўрмоқда. Жумладан, 2007 йили 5000 тонна маҳсулот келтириб, сотишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Сўз юритилаётган масала билан боғлиқ вазифаларни кўнгилдагидек адо этиш учун "Тошбозортайёрловсавдо" уюшмаси, деҳқон бозорлари таркибидаги савдо-харид корхоналари, туманлар ҳокимликлари тасарруфидаги савдо департаменти бўлимлари раҳбарлари, мутахассислари зиммасига катта масъулият юклатилган. Бозорни нознеъматлар билан тўкин қилиш, нархнавони мўътадиллаштиришда савдо-харид корхоналаридан деҳқон ва фермер хўжаликлари билан тўғридан-тўғри шартнома асосида маҳсулот олиб келишни янада кенгайтиришлари талаб этилади. 2007 йили улар томонидан 6050 тоннадан зиёд турли нознеъматлар сотилишини пухта ташкил этиш белгиланган. Бунинг учун ҳаёт тажрибасидан ўтган усуллардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Президентимиз ўтган йил якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифа эканлигини алоҳида таъкидлади. Бу йўл-йўриқлар аҳолини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан етарлича таъминлашга даъват этилган барча мутасаддилар фаолияти учун асосий дастур бўлиши зарур.

Суннат САЙДАЛИЕВ

9 апрель – Амир Темур таваллуд топган кун

Қаландарнинг башорати

Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги тарихий манбалар билан бир қаторда ўтмишда яратилган бадиий асарларни ўқиб, халқимизнинг бу улуғ инсонга бўлган катта муҳаббатини ҳис қиласиз. Хусусан, "Қиссаи Амир Темур", "Темурнома", "Амир Темур Кўрагон жангномаси" каби қўлёзма ва тошбосма нусхалардаги қиссаларда ҳам эл-улуснинг чексиз эҳтироми акс этиб туради.

Соҳибқирон бобомизга бағишланган бу қиссаларда унинг ўз давридаги улуғ сўз усталари, шоир ва мутафаккир кишилар билан ажойиб мулоқотлари тўғрисида мароқли лавҳалар бор.

Академик Азиз Қаюмовнинг "Амир Темур қиссалари" рисоласида шуларнинг айримлари ҳақида ҳикоя қилинади. Қуйида шу асардан парчалар ўқийсиз.

...Темурнинг отаси Тарағай Баҳодир ўғлига кўп қўйларни берди ва уларни бозорга элтиб сотмоқни буюрди. Темур бу қўйларни бозорга келтириб, минг тиллога сотди. Сўнг бозорни айланиб, томоша қилиб юрганида, бир маъраканинг устидан чиқиб қолди. Бир қаландар кўринишли киши одамларга нимадир сўзламоқда.

(Давоми 4-бетда)

Хабар

Шаҳрисабз туманидаги Чоршанба қишлоғида чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда янги қўшма корхонага асос солинди.

Қишлоқда қўшма корхона

Яқинда давлат рўйхатидан ўтган бу қўшма корхона "Шаҳрисабз Руслан Бобоёр ҳамкор" масъулияти чекланган жамияти бўлиб, унинг Низом жамғармаси 190 минг АҚШ долларига тенгдир. Бу маблағнинг 52,6 фоизи тумандаги қурилиш ташкилотларидан бири - "Ҳомид Бобоёров" хусусий корхонаси, қолган қисми Россия Федерациясининг "Жилпромстрой" МЧЖ улушидир.

Ушбу хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолияти хориждан сифатли ва арзон қурилиш материаллари олиб келиш ҳамда вилоятда етиштирилган экспортбоп маҳсулотларни четга чиқаришдан иборатдир.

Ф.БОЗОРОВ

Сара уруғ – ҳосил бўлиқ

Жаҳон бозорида пахта толаси унинг узунлиги, пишиқлиги ва ташқи кўриниши билан баҳоналади. Мутахассисларнинг айтишича, бу сифатлар кўп жиҳатдан пахта навига боғлиқ. Негаки, пахтанинг серҳосил нави экилиши юқори самарадорлик ҳамда сифатли ҳом ашё гаровидир. Халқимиз "Сара уруғ – ҳосил бўлиқ", деб бежиз айтмаган.

Хўш, бу йилги экин-тикин ишларига тайёргарлик қандай? Асосий майдонларга қайси навлар экилади? Ушбу саволларга жавоб олиш учун "Ўзпахтасаноат" уюшмаси мутахассисларига мурожаат қилдик.

Бугуннинг гапи

– Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, корхоналар босқичма-босқич техник қайта жиҳозланаётгани эътиборга молик, - дейди уюшманинг Пахта ва уруғлик чигит тайёрлаш бошқармаси бошлиғи Зоҳид Каримов. – Энг қувонарлиси, ишлаб чиқилган махсус дастурга кўра, уруғлик чигит тайёрлаш цехлари сони 31 тага қисқартирилиб, фаолият кўрсатаётганлари замонавий технологиялар билан таъминланди. Бу жараёнда уруғлик чигит тайёрлаш ҳажмлари, гўза навлари ҳамда транспорт харажатларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудлардаги цехларнинг техник қуввати юқорилари қолдирилди. Уруғлик чигитни саралаш, дорилаш ва қадоқлаш бўйича эса тендер ўтказилди. Танлов натижасига кўра, корхоналарга Испаниянинг "Юбус" фирмасида ишлаб чиқарилган ускуналар ўрнатилди. Бу ўтган йили уруғлик чигит тайёрлаш даврида ўзининг ижобий самарасини кўрсатди.

Бу йил уруғлик чигит тайёрлашда ушбу цехлардан ташқари 6 та шу турдаги қўшма корхоналар иштирок этди. Бунда Республика Президентининг 2007 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштиришга доир қарори дастуриламал бўлди.

Тайёрланган уруғлик чигит селекционер олимлар томонидан охирги йилларда яратилган 10 дан ортиқ истиқболли, ингичка ва ўрта толали ғўза навларига мансуб. "Бухоро-6", "С-6524", "Наманган-77", "Омад", "Бухоро-102", истиқболли "Бухоро-8", "Денов" шулар жумласидандир. Таъкидлаш керак, ушбу навлар юқори тола чиқиши, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги, қолаверса, жаҳон бозорида харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Республикамиз пахтакорлари бу йил 1391,4 минг гектар майдонда ғўза парваришлашади. Маълумотларга қараганда, бунинг учун зарур уруғлик барвақт тайёрланди. Чунки 26 февралдаёқ 114,5 минг тонна уруғлик тозаланиб, сараланиб тайёрлаб қўйилганди. 25,5 минг тонна чигит туксизлантирилди. 86,3 минг тонна уруғлик чигит дориланди.

Дарвоқе, бу йил пахтакор фермерларга яна бир қулайлик яратилди. Уруғлик чигит фермерлар даласигача олиб борилиб, тахт қилиб қўйилди. Бунинг учун 1433 та шохобчалар ташкил этилди.

Саид РАҲМОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили

Президентимиз Ислом Каримов томонидан жорий йил мамлакатимизда Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кўламини янада кенгайтириш ва кучайтириш, шу орқали жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи изчил бажарилмоқда.

Жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш чора-тадбирларини янада чуқурлаштириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда. Бу жараёндан наинки мамлакатимизнинг давлат ва нодавлат ташкилотлари, ҳомийлар, айни чоғда, хорижий давлатлар компаниялари ва халқаро ташкилотларнинг юртимизда фаолият кўрсатаётган ваколатхоналари ҳам четда турмаётгани эътиборга молик.

Мурувват ёрдами топширилди

Тошкент шаҳридаги 1-клиник касалхонада "Project HOPE" (АҚШ) ноҳукумат ташкилотининг қиймати 10 миллион долларлик гуманитар ёрдамини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига топшириш маросими бўлиб ўтди. Ушбу мурувват ёрдамини пойтахтимиз, шунингдек, Навоий, Хоразм, Бухоро, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси тиббиёт муассасаларига тарқатиш режалаштирилган. Бу ёрдам таркибида антибиотик, антивирус, гипертонияга ва ўсмага қарши дори воситалари, шунингдек, витаминлар мавжуд.

"Project HOPE" ноҳукумат ташкилотининг ваколатхонаси мамлакатимиздаги фаолиятини 2000 йилда бошлаган. Ўтган даврда ушбу ташкилот томонидан бир неча маротаба инсонпарварлик ёрдами тақдим этилган.

- Бундай хайрли тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга, - дейди Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров. - Мазкур гуманитар ёрдам туфайли қанчадан-қанча одамлар дардига дармон топади.

Тадбирда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнелл, ЮСАИД ва "Project HOPE" ноҳукумат ташкилоти вакиллари иштирок этди.

(ЎзА)

УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (80) 747,1 ▲ + 16,7 | БЕНЗИН (91) 843,7 ▲ + 12,6 | ДИЗ.ТОПЛИВО 596,9 ▲ + 3,8 | МАЗУТ 133,1 ▲ + 1,8 | СЖ.ГАЗ 425,3 ▼ - 3,5 | МАСЛО ХЛОПК. 927,5 ▼ - 30,5 | САХАР 883,2 ▲ + 1,2 | КОМ.КОРМ 122,7 ▼ - 0,3

YETTI-IQLIMDAN BIR SHINGIL

Ҳарбийлар юртига жўнаб кетишди

Эронда мамлакат сув ҳудудини ноқонуний бузганликда айбланиб қўлга олинган 15 нафар Британия ҳарбий денгизчиси озод этилди.

Бу ҳақда Эрон раҳбари Маҳмуд Аҳмадинажод Британия денгизчиларини қўлга олган чегарачи зобитларни тақдирлаш анжуманида расмий маълум қилган. Анжуманда мамлакат раҳбари ҳарбийлар Британияга туҳфа сифатида озод этилаётганлигини айтиб ўтган.

Британиялик ҳарбийлар Теҳрон аэропортидан ўз юртларига жўнаб кетишган. Британия бош вазири Тони Блэр матбуот хизмати ҳукумат Эрон президентининг бу қарорини яхши кайфиятда қабул қилганини баён этган.

Муваффақиятсиз 1-раунд

БМТ Хавфсизлик Кенгашида Косова мақомига оид келишувларнинг биринчи раунди муваффақиятсиз якунланди.

Ташкилотнинг махсус вакили Марти Ахтисаарининг Косова масаласи бўйича тайёрлаган махсус ҳужжатларида ўлкага Мустақил давлат мақоми бериш ҳақида айтилади. Аҳолисининг 90 фоизини ташкил этувчи албанлар Косова ўлкасини жорий йилда Сербиядан мустақил ажратиб олиш ҳаракатида. Хавфсизлик Кенгашининг айрим аъзолари Косовага мустақиллик бериш лозим деяётган бўлса, айримлари буни рад этмоқда. Жумладан, Сербияга қўшни Европа давлатлари, Россия ва Хитой Болқон муаммолари ҳали тўлиқ барҳам топмаган, деб ҳисоблайди.

Айрим кузатувчилар фикрича, агар Косовага мустақил давлат мақоми берилса, Сербиянинг бошқа вилоятларидаги албанлар ҳам шу ниятда бош кўтариб чиқиши ва минтақада тўқнашувлар вужудга келиши мумкин.

Оролни қуршаган офат

Соломон оролларида юз берган табиий офат қурбонлари соат сайин ошиб бормоқда.

Ушбу ҳафта бошида Тинч океани давлати бўлмиш Соломон оролларида ҳаракатга келган 8 балли зилзила цунамига сабаб бўлган эди. 5 метрдан баланд сув тўлқинлари Соломон оролларига келиб урилди. Ўнлаб қишлоқлар ва Гизо шаҳри деярли ювилиб кетди. БМТ ҳамда Қизил Хоч ташкилоти маълумотига кўра, табиий офат қурбонларининг сонини аниқлаш мушкул. Сабаби, воқеа жойига бориш ва тирик қолганларга кўмак беришнинг иложи бўлмаяпти. Табиий офат ҳудудларига самолёт ва вертолёт орқали озиқ-овқат ҳамда тоза ичимлик суви ташланмоқда. Хабарларга кўра, охирги уч кун ичида Соломон оролларида 50 дан зиёд турли даражадаги ер силкиниши кузатилган.

Франциянинг учар поезди

Франциянинг янги йўловчи поездлари авлодидан бўлмиш TGV тезлик бўйича рекорд ўрнатди.

Қайта ишланган ва икки қаватли вагонлар билан жиҳозланган TGV тезюрар поезди Париж - Страсбург йўналиши бўйича ҳаракатланиб, тезликни соатига 577 километргача чиқарган. TGV бу тезлиги билан темир ғилдиракли поездлар орасида дунё рекордини ўрнатди. Франциянинг SNCF ва Alstom компанияларининг бу "темир от"и бир вақтнинг ўзида 900 дан зиёд йўловчини манзилга элтиши мумкин. 2009 йилдан бошлаб TGVларни кенг миқёсда йўналишга қўйиш режалаштирилмоқда.

Айтганидан қойтмайдиган хоним

АҚШ Конгресси вакиллар палатаси спикери демократ Ненси Пелоси хоним Сурияга расмий сафар уюштирди.

Пелосининг Сурияга ташрифини АҚШ президенти Жорж Буш танқид қилган. Бушнинг сўзига кўра, Пелоси хонимнинг мазкур сафари Америка ташқи сиёсатига путур етказади. Бироқ, демократ хоним бу фикрдан йироқда. Пелосининг таъкидлашича, Сурия билан мулоқот Ироқ ва Ливан муаммоларини ҳал этишда муҳимдир. Суриялик расмийлар Пелоси хонимни яхши кутиб олишган ва бу сафарни ўзаро мулоқотларнинг бошланиши, деб айтишган. Ненси Пелоси Сурия раҳбари Башар ал-Асад билан учрашган ва уни Яқин Шарқдаги вазиятни барқарорлаштиришда ёрдам беришга чақирган.

2005 йилда Ливаннинг собиқ бош вазири Рафиқ Ҳаририйнинг ўлими туфайли АҚШ маъмурияти Сурияни яккалаб қўйган эди.

Чеченистоннинг янги раҳбари

Чеченистоннинг янги президенти Рамзон Қодиров қасамёд қабул қилди.

Республика парламентида бўлиб ўтган қасамёд маросимидан сўнг Қодиров Гудермесдаги президент қароргоҳида вазифасини расмий қабул қилиб олган.

Рамзон Қодиров шу йилнинг 2 мартида парламентнинг навбатдан ташқари йиғилишида Чеченистоннинг янги президенти этиб тайинланган эди.

Россия минтақалари раҳбарлари орасида 30 ёшли Рамзан Қодиров энг ёш президент саналади.

Панжобдаги мудҳиш воқеа

Покистоннинг Панжоб провинциясида мудҳиш воқеа юз берди.

Провинция қишлоқларидан бирида катта тезликда ҳаракатланаётган трактор кичик ёшдаги болалар мактабига келиб урилган. Мактабнинг бир неча синф хонаси бутунлай вайрон бўлган. Вайроналар остида 9 нафар 5 ёшдан 13 ёшгача бўлган ўқувчи болалар жон берган. Яна 18 нафари оғир тан жароҳати олган. Трактор ҳайдовчиси воқеа жойидан қочиб қолган ва ҳозир у қидирилмоқда.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Мавсум

Пиллачилик машаққатли, меҳнати оғир, айни чоғда даромадли соҳалардан ҳисобланади. Энг йирик пиллачилик ҳудудларидан саналган Қашқадарёда бу соҳа ривожига алоҳида аҳамият берилаётгани боис "кумуш тола" сифати ҳамда салмоғи йилдан-йилга ортиб бораяпти. Аммо пиллачи меҳнати қадр топиб, манфаатдорлиги юқори бўлишига эришиш соҳанинг долзарб масаласи бўлиб турибди.

Қашқадарёда пилла кўпаяди

Хўш, мавсум яқинлашаётган кезларда вилоятда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? "Қашқадарёпилла" акциядорлик бирлашмаси раиси Исроил Ишнаев мухбиримизга бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

– Воҳамизда пилла хом ашёси тайёрлашни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш жараёни, энг аввало, ипак қурти учун мустаҳкам озуқа базаси яратишни тақозо этади. Вилоятдаги мавжуд тутзорларни парваришлаш, янгидан тут кўчатлари ўтқазиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 9252 гектар майдонга ёйилган тутзорларни парваришлаш баробарида 355 гектар ерга тут ниҳоллари ўтқазилди. 4 миллион 35 минг туп якка танали тут дарахтлари доимий назоратда бўлиб, уларни тут парвонаси каби зарарли ҳашаротлардан муҳофаза қилиш мақсадида махсус дорилар билан ишлов берилди.

Бу йилги мавсумда воҳада шартнома бўйича 2475 тонна сифатли "кумуш тола" тайёрлаш мўлжалланган. Бу борада аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, унга асосан 14338 та фермер хўжаликлари билан ўзаро шартнома тузилди. 39500 та пиллачилик звеноси рўйхатга олинди.



Энг муҳими, мавжуд 400 та инкубацияларнинг фаолияти таҳлил қилиниб, зарур асбоб-анжомлар билан жиҳозланди. Шу масканларда ишлаётган 800 нафар мутахассис, воҳадаги 235 нафар пиллачилик агрономи, 2953 бригада бошлиқлари мавсум юмушларига оид ўқувларда иштирок этишди.

Жорий йилда 59130 қути ипак қурти парваришлаймиз. Шундан 30000 қутиси Хитойдан келтирилган. Унинг 1320 қутиси наслли пилла уруғидир. Биз уруғни 6-7 апрель кунлари жонлантириш учун инкубацияларга тарқатишни мўлжаллаяпмиз. Демак, мавсум юмушлари шу жараён билан бошланиб кетади. Узоғи билан 11-12 кун орасида қурт уруғи пиллачилик звеноларига етказилади.

Вилоятда 2 миллиард 846 миллион сўмлик пилла қабул қилинади. Пиллакорларга мавсум олдидан 1 миллиард 138 миллион сўм бўнак пули тўлаб берилади.

Фахриддин БОЗОРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

"Доминатор" муборак, Насриддин фермер!

Акциядорлик тижорат "Туронбанк" Тошкент вилояти Бўка туман бўлимининг мижозлари сафида 150 нафар фермер бор. Банк жамоаси билан қишлоқ мулкдорлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

Фермерларга пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришлари, техника воситалари ва эҳтиёт қисмлари харид қилишлари учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Жойларда янги ташкил этилган фермер хўжаликларининг оёққа туриб олишлари учун зарур ёрдам кўрсатиш борасида ҳам амалий ишлар қилинаётир. Ўтган йили бир неча фермер хўжаликларига техника воситалари сотиб олишлари учун кредит ажратилди. Чунончи, "Жасур ёшлик" фермер хўжалиги кредит ҳисобига "ТТЗ-100" русумли трактор сотиб олди. Яқинда эса "Қиличев Насриддин" фермер хўжалиги жамоаси имтиёзли кредит асосида 3 та "МТЗ-80" русумли тракторни ва "Доминатор" ғалла ўриш комбайни харид қилди.

Мулкдор

–Фермерлар билан ҳамкорликдаги ишларимизни янада кенгайтираяпмиз, - дейди мазкур банк бўлимининг кредит бўйича мутахассиси Шерзод Рўзиқулов. – Жойларда минибанк шохобчаларини ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Бунинг натижасида эса фермерларга кўпроқ қулайлик яратилади.

Дарҳақиқат, банк бўлимида фермер хўжаликларига яқиндан ёрдам кўрсатиш учун зарур шароитлар яратилмоқда. Бундан кутилаётган асосий мақсад қишлоқ мулкдорларининг техника воситалари ва зарур эҳтиёт қисмлар сотиб олишларига кўмаклашиш ҳамда туманда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга муносиб улуш қўшишдан иборат.

Ашурали БОЙМУРОДОВ
СУРАТДА: "Қиличев Насриддин" фермер хўжалиги учун кредит ҳисобига олинган "Доминатор" комбайни.

Тиббиёт

Гулистон туманидаги Бешбулоқ қишлоқ врачлик пункти 2000 йилда ишга туширилган эди. Бугунги кунда бу ерда 3700 дан зиёд аҳолига хизмат кўрсатиляпти.

Олдини олган афзал

– Диагностик асбоблар ёрдамида барча таҳлилларни шу ерда бажарамиз, - дейди умумий амалиёт шифокори, ҚВП раҳбари Феруза Раҳмонқулова. –Туғруқ ёшидаги аёллар доимий равишда тиббий кўрикдан ўтказиляпти. Қишлоқдаги 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг саломатлиги ўрганилиб зарур вакциналар вақтида қилиб бориляпти. ҚВПмиз "Саломатлик-1" лойиҳаси бўйича ЭКГ, ФЕК-реактивлари, микроскоп билан таъминланди.

–Туманимизда 20 та ҚВП мавжуд, - дейди Гулистон тумани марказий шифохонаси бош шифокори Баҳодир Раҳмонов. – Ҳукуматимиз йилдан-йилга тиббий хизмат маданиятини оширишга катта эътибор қаратаяпти. Бу эса биз учун зиммамизга катта масъулият юклайди.

Инсон саломатлигининг 50 фоизи унинг турмуш тарзига, 18-19 фоизи озиқ-овқатга, 10-12 фоизи наслга боғлиқ. Шундай экан, аввало тиббий маданиятни юқори даражада шакллантиришга интилишимиз лозим. Кишиларимиз ўз вақтида шифокорлар кўригидан ўтиб турсалар, айни муддао бўлур эди. Ходимларимиз бу борада изчил тарғибот ишларини ҳам олиб борадилар.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Ҳисобли дўст айрилмас

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 62-моддасига асосан, асосий бўлмаган иш жойидан даромад топган жисмоний шахслар йил якуни бўйича келаси йилнинг биринчи апрелига қадар жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни доимий истиқомат жойидаги шаҳар ва туман Давлат солиқ инспекциясига топширишлари шарт.

Бу борада Янгийўл тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан бир қанча амалий ишлар олиб борилган. 2006 йил давомида жисмоний шахсларнинг қўшимча даромадлари тўғрисида 1085 та маълумот келиб тушган бўлса, ушбу маълумотлар текширилганда 934 нафар жисмоний шахсга тегишлилиги аниқланди. Шундан декларация топширилиши лозим бўлган жисмоний шахслар сони 625 нафарни ташкил этиб, 9 нафар жисмоний шахс маълумотда кўрсатилган манзилда истиқомат қилмаслиги, 300 нафар жисмоний шахс декларация тақдим этмаганлиги аниқланди. Декларация топширилиши лозим бўлган 625 нафар жисмоний шахслардан қабул қилинган йиллик даромади тўғрисидаги декларация якуни бўйича 141 нафар жисмоний шахсга 2403000 сўм қўшимча даромад солиғи ҳисобланиб, давлат бюджетига ундирилди. Белгиланган муддатда декларация тақдим этмаганлиги сабабли 3 нафар жисмоний шахс Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Солиқ

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қонун олдида барча баробар, яширин даромадлар ҳам охир-оқибат фош бўлади.

Отабек ЗУКУРОВ,
Янгийўл тумани Давлат солиқ инспекцияси "Жисмоний шахсларнинг қўшимча даромадларини декларация асосида солиққа тортиш" шуъба мудири.

Назорат, сифат, кафолат

- Марказимизнинг асосий иш фаолияти Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги, "Метрология тўғрисида"ги, "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунлари ҳамда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги бошқа қонун ҳамда меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган, - дейди Қорақалпоғистон Республикаси Синов ва сертификатлаштириш маркази бошлиғи Чингиз Худойберганов.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 6 июлда қабул қилинган "Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори биз учун дастуриламал ҳисобланади. Негаки, ушбу қарорда белгиланган вазифалар тадбиркорлар, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёнини соддалаштириб, бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган. Сертификатлаштирилиши мажбурий бўлган маҳсулот ва хизматлар рўйхатидан озиқ-овқат сифатида истеъмол қилинмайдиган айрим маҳсулотлар, болалар кийимидан ташқари пойабзал, кийим-кечак, қоғоз (гигиена ва озиқ-овқат саноатида қўлланиладиганидан ташқари) маҳсулотлари, пилла, жун, йигирилган кимёвий иплар, пол учун қоплама ҳамда гиламлар, озиқ-овқатни тайёрлашда ишлатиладиганларидан ташқари металлардан тайёрланган буюмлар, фото ва киномаҳсулотлари, айрим мебеллар, машинасозлик, электросаноат ва уй жиҳозлари учун ёрдамчи ва йиғма материаллар олиб ташланди. Мамлакатимиз учун янги бўлган, ишлаб чиқарувчи томонидан мувофиқликни декларациялаш йўли билан маҳсулотларни сертификатлаштиришга имконият яратилди.

Маълумки, истиқлол йилларида фуқароларнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш устувор вазифалардан бирига айланди. "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши эса бу борада муҳим омил бўлди.

Аҳоли орасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги қонунчилик ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳаракатдан Қорақалпоғистон Республикаси Синов ва сертификатлаштириш маркази ходимлари ҳам четда қолаётганлари йўқ. Эсингизда бўлса, 2004 йилда республика Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Бу шак-шубҳасиз, тадбиркорлар манфаатини ўйлаб ташланган қадам бўлиб, бугунги кунда унинг самараси Қорақалпоғистон Республикасида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Шуни инобатга олиб, сифатни назорат қилиш идорасида дастлаб қарор ижроси юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Қарор қабул қилинганидан кейин унинг мазмунмоҳиятини тушунтириш мақсадида тарғибот ишларига катта аҳамият берилмоқда. Тадбиркорлар учун мутахассислар, "Ўзстандарт" агентлиги раҳбар ходимлари иштирокида семинарлар, учрашувлар ўтказилиб турилибди. Марказда тадбиркорлар учун қатор қулайликлар яратилган. Агар дорихоналарни айлансангиз, уларда аҳолининг эҳтиёжини қондириш учун етарлича дори воситалари бор. Даволаш муассасалари қошидаги шохобчалар ва хусусий корхоналарда бемор учун керакли дорилармонларнинг мавжудлиги яхши, албатта. Аммо, айрим дорихоналардаги баъзи бир салбий ҳолатлардан ҳам кўз юма олмаймиз. Яроқлилик муддати аллақачон ўтиб кетган ёки бозорларда антисанитар ҳолатда, махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг дори воситалари билан савдо қилиши каби ҳолатлар ҳамон давом этяпти.

- Бизнинг сифатни назорат қилиш идораси ходимлари аҳоли орасида истеъмол товарларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, уларнинг яроқлилик муддатини, сохталик белгиларини аниқлаш учун тушунтириш,

Жараён

ташвиқот олиб бориш ишларини кучайтириб, истеъмолчилар саводхонлигини ошириш борасида муайян чоратадбирларни амалга ошириб келаётир, - дея сўзида давом этади Чингиз Худойберганов. - Қолаверса, саломатликни муҳофазалаш, истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиш кўп жиҳатдан инсоннинг ўзига, атроф-муҳитга, оиладаги соғлом турмуш тарзига боғлиқдир. Ҳар биримиз "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунни мукаммал ўқиб-ўргансаккина, сифатсиз, яроқлилик муддати ўтиб кетган маҳсулотларни сотиб олмаган бўламиз.

Ўтган йили республика сертификатлаштириш миллий тизимида белгиланган тартибга асосан ҳамда Сертификатлаштириш ишлари бўйича бажарилган иш ҳажми 101 миллион 359 минг сўмни ташкил қилди. Бу 2005 йилга нисбатан 40 фоизга ошганлигини кўрсатади. Марказнинг аккредитланган синов лабораторияси томонидан ҳукуматимизнинг 140-сонли қарорини бажариш мақсадида 9 миллион сўмлик иш бажарилди.

2006 йили ушбу марказ томонидан жами 814 дона мувофиқлик сертификатлари тан олинган. Сертификатлаштирилган маҳсулотлар ҳажми ҳам 43,9 фоизга кўпайган. Демак, 2005 йил давомида 17 миллиард 178 миллион 479 минг сўмлик маҳсулот сертификатлаштирилган бўлса, бу йил 30 миллиард 620 миллион 887 минг сўмлик маҳсулот сертификатлаштирилган.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, ўтган йили сертификатлаштириш идорасида қурилиш, нефть ва газ, автотранспорт маҳсулотларини сертификатлаштириш бўйича аккредитация доираси кенгайтирилди.

Синов комплексида озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини синаш лабораториялари бирлаштирилиб, физика-кимёвий лабораторияга айлантирилди. Бу эндиликда қўшимча кальцинирланган соналарни ва бошқа кимёвий маҳсулотларни ҳам синашга имконият беради. Ҳозирда парфюмерия ва кир ювиш маҳсулотларини синаш лабораториясида аккредитлашга ҳужжатлар, етишмаган синов ускуналари тайёрланаётир. 2006 йил давомида режалаштирилган 89 корхонадан 35 тасида сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан инспекцион назорат ўтказилди. Кўпгина корхоналарда иш хом ашё йўқлиги сабабли тўхтаб қолган. Ўтказилган текширишлар натижасига кўра, 2 та номувофиқлик ҳолати аниқланиб, уларнинг мувофиқлик сертификати бекор қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, Кўнғирот сода заводи билан 23 миллион, Беруний туманидаги "Ёғғар" ҳиссадорлик жамияти билан 7 миллион 47 минг сўмга шартнома имзоланди ва қўлланмаларни ишлаб чиқиш учун маслаҳат хизматлари кўрсатилди.

- Ҳукумат қарорини бажариш юзасидан тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун махсус хона, маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби схемаси, сертификатлаштиришга тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхалари ташкил этилган,- дейди марказнинг сертификатлаш бўлими бошлиғи Пўлат Абдуносиров. - Бундан ташқари, буюртма декларацияларни қабул қилиш ҳамда мувофиқ сертификатини расмийлаштириш ва бериш ишлари йўлга қўйилган.

Марказнинг икки нафар ходими шу йилда маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича эксперт-аудитор унвони олиш учун аттестациядан ўтказилди. Шу билан бирга, 4 нафар ходим ўз малакаларини ошириб қайтишди.

Шунингдек, бу ерда корхоналарга, тадбиркорларга қулайлик яратиш, уларнинг манфаатига хизмат қилувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, маслаҳат бериш, истеъмол товарларини маркалаш, корхоналарда мониторинг ўтказиш бўлими ҳамда мижозларни қабул қилиш бюроси ташкил этилган.

Ҳукумат қарорини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2006 йилда минтақадаги корхона раҳбарлари тадбиркорлар, Жуқорғи Кенгес ходимлари, журналистлар иштирокида семинар ўтказилди. Унда халқаро стандартлар талабларига мувофиқ сифатни бошқариш тизимини жорий этиш ва сертификатлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Марказнинг синов базаси йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Бинолар, лабораториялар замон талаблари асосида таъмирдан чиқарилиб, сўнгги нусхадаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини синаш лабораторияси мижозларни ҳам қувонтирмоқда.

Қорақалпоғистоннинг ҳудуди жуда катта. Бир туман билан иккинчисининг ораси анча олис. Бу эса тадбиркорларга айрим ноқулайликларни келтириб чиқариши мумкин. Ана шуни инобатга олиб, Беруний туманида филиал ташкил этилди. Ҳозир бу ерда марказ бош мутахассиси Умар Насруллаев раҳбарлик қилмоқда. Тадбиркорлар эса филиалга келиб, ўз мушкулларини осон қилиб кетишаётир.

Марказ жамоаси маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга, жумладан, хусусий тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатмоқда. Тадбиркорлар эса, ўз навбатида, республикамиз ички бозорини маҳсулотлар билан тўлдиришга астойдил интилишаяпти.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Дилбар ҲАКИМОВА,
тадқиқотчи.

Ноқонуний қоракўл экспорти

Республикамиз Президентининг 1998 йил 25 августдаги "Қоракўл ва юмшоқ мўйна тери маҳсулотлари экспортини тартибга солиш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида божхона органлари томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ушбу Фармонда юртимиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг қоракўл ва юмшоқ мўйна тери маҳсулотларини қайта ишлаш салоҳиятини ошириш мақсадида 1998 йил 1 ноябрдан эътиборан ушбу турдаги маҳсулотларни юртимиздан ташқарига олиб чиқиш ман қилинган.

Кенг жамоатчилик ўртасида божхона қонунчилигини тушунтириш борасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига қарамасдан, мўмай даромад орттириш илинжидаги айрим кимсалар томонидан тери маҳсулотларини юртимиздан ташқарига олиб чиқиш ҳолатлари учраб турибди.

Божхона

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси "Келес" темир йўл божхона пости ходимлари "Тошкент-Челябинск" йўналиши бўйича юртимиздан чиқиб кетаётган йўловчи поезди йўловчиларининг қўл юкларини божхона кўригидан ўтказаётган вақтда, шу поезд йўловчиси республикамиз фуқароси М.Давронованинг ноқонуний хатти-ҳаракати ошкор бўлди.

Текширув чоғида ушбу аёл ўзи билан божхона баённомасида кўрсатилмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўрови чоғида айтилмаган қиймати 2 миллион сўмдан ортиқни ташкил этувчи 12 дона қоракўл териси ва 6 дона қоракўл терисидан ишланган аёллар шубаларини, Бухоро шаҳридан сотиб олиб, Россия Федерациясига қайта сотиш мақсадида олиб кетаётганлиги ошкор бўлди.

Наманган вилояти божхона бошқармаси "Ринжит" божхона пости ходимлари эса Чортоқ туманидаги айланма йўллар орқали ҳаракатланаётган "КамАЗ-5320"русумли автомашинани тўхтатиб текширишганда, унда республикамиз фуқароси Б.Ортиқов Наманган шаҳридан сотиб олинган қиймати 8,5 миллин сўмдан ортиқни ташкил этувчи 600 дона қорамол териларини ноқонуний равишда Қирғизистон Республикасига қайта сотиш мақсадида олиб чиқиб кетаётганлиги аниқланди.

Н.САЛОМОВ

МУКА выс.сорт 310,0 ▼ - 6,5 | МУКА 1 сорт 223,7 ▼ - 1,6 | МУКА 2 сорт 203,8 ▲ + 0,5 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0754 1004,4 ▼ - 7,3 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 1046,1 ▲ + 9,4 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 1086,2 ▼ - 17,6 | КАРБАМИД 220,2 ▲ + 1,7

“ПАХТАБАНК”:

Кенг кўламли замонавий хизмат – муваффақият гарови

ўтган йили 14 миллиард 800 миллион сўмлик пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилди. Бу кўрсаткич бир йилда 3,5 баробарга кўтарилди. Ҳозирги пайтда терминаллар орқали савдо ҳажми ҳар ойда 300 миллион сўмдан ошишига эришиляпти.

Банк аҳолини нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишга кенгроқ жалб қилиш борасидаги изланишларини давом эттирмоқда. Хусусан, бу йил савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида турли дисконт дастурларини жорий этиш, ютуқли тадбирлар, бонуслар ташкил қилиш, аҳолининг маълум ижтимоий қатламлари учун

Жаҳон андозалари асосида

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг чуқурлашуви туфайли фермер хўжаликлари агросаноат тизимидаги ишлаб чиқариш ва молия-иқтисодий муносабатларда етакчи кучга айланиб, саноат, айниқса, қайта ишловчи корхоналарнинг қишлоққа кенг кўламда кириб бориши “Пахтабанк” ва унинг маҳаллий бўлимлари олдига янги, янада масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Банк тизимидаги ислоҳотлар жараёнида эса Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, “банкларнинг Устав капиталини кўпайтириш, аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва саҳмоя киритиши мумкин бўлган инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорларида фаол жойлаштириш”нинг аҳамияти ошмоқда.

Банк ташкилий тузилмани ва стратегияни жаҳон андозалари даражасига кўтариш орқали молиявий барқарорликни таъминлаш борасида кенг жамоатчилик ишончига эришмоқда. Натижада, банк ликвидлиги меъёрларига риоя қилинган ҳолда даромадлилик даражаси ошиб, капитал ва ресурслар базалари мустаҳкамланиши таъминланяпти. Якунланган йилнинг сўнгги куни ҳолатига кўра, банкнинг жами активлари 503,9 миллиард сўмни ташкил этди. Бу олдинги йилдагига нисбатан 44,9 фоиз ўсиш, демакдир.

Жами активлар таркибида даромад келтирадиган активлар салмоғи 76,8 фоизга етиб, 386,9 миллиард сўмни ташкил қилди. Яъни, йил бошидаги даражага нисбатан 67,3 фоиз ўсишга эришилди. Шу муддатда жамланма капитал 13,2 фоиз кўпайиб, 66,2 миллиард сўмга етди. Капиталнинг етарлилик коэффициенти меъёрдан 1,9 фоиз юқори кўтарилиб, 11,9 фоизга тўғри келди. Биринчи даражали капиталнинг жами капиталдаги салмоғи эса белгиланган энг кам даражадан 32,5 фоиз юқори бўлиб, 82,5 фоизга етди.

Бу ўсиш филиаллар тармоғини, банк хизмати ҳамда маҳсулот турларини янада кенгайтириш, омонатчилар, акциядорлар ва бошқа кредиторлар манфаатларини ишончли ҳимоялаш, бизнес-режа ва бюджет ижросини таъминлаш, пировардида, етарли миқдорда фойда олиш имконини берди. Энг муҳими, иқтисодиётнинг устувор йўналишларини молиялаштириш кўламлари кенгайтирилди.

Қишлоқ хўжалигини кредитлаш — асосий вазифа

Ўтган йили мамлакатимизда пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўл етиштирилди. Бунда “Қишлоқ хўжалик корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида”ги Низом муҳим ўрин тутди.

“Пахтабанк” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилган ана шу ҳужжат асосида ўтган йили пахта етиштириш харажатларини молиялаштириш учун 36 минг 256 та қишлоқ хўжалик корхонасига 261,3 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратди. Ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун 30 минг 514 та қишлоқ хўжалик корхонасига ажратилган жами маблағ 55,3 миллиард сўмга етди.

Натижада, қишлоқ хўжалик корхоналари иш ҳақи, минерал ўғитлар ва ўсимликларни зараркунандалардан кимёвий ҳамда биологик ҳимоялаш, машина-трактор парклари томонидан кўрсатилган хизматлар ва ёқилғи-мойлаш материаллари сотиб олиш, электр қуввати, уруғлик ва сувдан фойдаланиш мақсадларига ўз вақтида етарли маблағ йўналтириб туриш имкониятига эга бўлдилар.

“Пахтабанк”нинг давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштиришни такомиллаштириш жараёнларидаги иштироки тобора фаоллашиб бормоқда. Пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига имтиёзли кредитлар ҳисобкитоби, бизнес-режаларни тайёрлашда бевосита ёрдам кўрсатилаётир. Шу туфайли фермерлар кредит маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланиш малакасини эгаллаб, уларни вақтида қайтариш масъулиятини тобора чуқур ҳис эта бошладилар.

Қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг моддий-техник даражаси ҳам муттасил яхшиланиб бормоқда. Бунда “Пахтабанк” ва унинг филиаллари кўрсатаётган ёрдамнинг салмоғи сезиларли даражада ошаётир. Ўтган йили техника ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 39,5 миллиард сўм ажратилганлиги бунинг ёркин далилидир. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик корхоналари минерал ўғитлар сотиб олиш, чорвачиликни ривожлантириш, уруғлик картошка етиштириш, ёқилғи-мойлаш материаллари харид қилиш каби мақсадлар учун 6,2 миллиард сўм кредит олишди.

Банк қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш учун чет эл кредит йўналишларини жалб қилишга ҳам жиддий эътибор қаратяпти. Чунончи, Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт банки лойиҳаси Эллиққалъа, Нишон, Шеробод ҳамда Оҳангарон, Осиё Тараққиёт банки лойиҳаси эса Зомин, Каттақўрғон, Ангор, Мўзработ ва Термиз туманларини қамраб олган. Шу лойиҳалар доирасида 319 та қишлоқ хўжалик корхонаси ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга якунланган йилда 15,5 миллион АҚШ доллари миллий валютадаги курс баробарида узоқ муддатли кредитлар сифатида ажратилди. Жорий йилда эса “Пахтабанк” Осиё Тараққиёт банки лойиҳаси доирасида 4,9 миллион АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратиш режасини амалга оширмоқда.

Мақсад — аҳоли турмуш даражасини кўтариш

“Пахтабанк” мамлакатимиз шаҳарлари ва туман марказларида, қишлоқларда чакана савдо тармоғини кенгайтиришга ҳам салмоқли ҳисса қўшаётир. Янги савдо дўконлари ва супермаркетларнинг филиаллари тармоғини кенгайтириш, уларни халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш, айланма маблағларини тўлдириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Буни ўтган йили мазкур банк кредитидан фойдаланувчи савдо корхоналарининг улгуржи ва чакана товар айланмаси 157 миллиард 380 миллион сўмга етганлигида яққол кўриш мумкин. Ана шу маблағнинг 80 фоизи чакана товар айланмасига тўғри келиши айтилса, қишлоқда истеъмол бозори кўламлари нечоғли кенгайиб бораётганлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Маълумки, 2006 йилда Президентимизнинг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилган 109 та агрофирмага “Пахтабанк” тўлақонли хизмат кўрсата бошлади. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш мақсадларида фойдаланиш учун сўнгги икки йилда вино саноатининг бешта корхонаси 559 миллион сўм, бевосита узумчиликка ихтисослашган 24 та агрофирма 520 миллион сўм миқдорида кредит олди.

Банк филиаллари янги ташкил этилган агрофирмаларга имтиёзли асосларда кредитлар бера бошлади. Жумладан, Хоразм вилоятидаги “Воҳа агросервис”, Гурлан туманидаги “Намуна агросервис” агрофирмаларига моддий бойликлар сотиб олиш учун етарли миқдорда шундай кредитлар берилди. “Пахтабанк” филиаллари ажратган кредитлардан фойдаланиб, Бухоро вилоятидаги “Вобкент агромаҳсулотлари” агрофирмаси консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга киришди. Наманган вилоятидаги “Тикланиш Нанай боғбони”, Сурхондарё вилоятидаги “Олтинсой узум” сингари бир қатор агрофирмалар эса банк кредитидан фойдаланиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўсиш суръатларини барқарор тус олдиришга муваффақ бўлаётир. Натижада, қишлоқларда янги иш жойлари барпо этилиб, маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт салмоғи ортиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, банк туманлар марказлари ва қишлоқларда ихчам минитехнологиялар билан жиҳозланган корхоналар барпо этиш, мавжудларини янги техника воситалари билан таъминлашни рағбатлантириб, кичик бизнесни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Пировардида, қишлоқ аҳолисининг бандлик даражаси ортиб, истеъмол маҳсулотлари ҳажми ошмоқда, сифати яхшиланмоқда. Ўтган йили “Пахтабанк” филиаллари хизмат кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари 6069 тага кўпайиб, 111802 тага етганининг ўзи бу иш кўлами нечоғли кенг эканлигини англатиб турибди.

Бир йил мобайнида бу борада 14264 та лойиҳа молиялаштирилди. Ушбу мақсадлар учун 28 миллард 235 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Унинг 19 миллиард 931 миллион сўми банкнинг ўз маблағи ҳисобига амалга оширилди.

Шу муддат ичида деҳқон ва фермер хўжаликларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйишни кўзда тутувчи лойиҳаларни амалга ошириш мақсадларига ажратилган кредитлар 106 фоиз ўсиб, 9 миллиард 712 миллион сўмга етди. Айни пайтда кичик бизнес субъектлари, фермер хўжаликларига ажратилаётган микрокредитлар 147 фоиз кўпайиб, 6 миллиард 212 миллион сўмни ташкил этди.

Кичик бизнесни ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштиришда Осиё Тараққиёт банки иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган йили кредит шартномаси асосида ажратилган 8,3 миллион АҚШ доллари тўлиқ ўзлаштирилди. Натижада, банк кредитлари ҳисобига кичик бизнес субъектлари иш ўринларини 21467 тага кўпайтириб, 16 миллиард 584 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга муваффақ бўлишди.

Республика Президентининг ўтган йили қабул қилинган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ижросини таъминлашга мавжуд ресурслар мақсадли йўналтирилиб, чорвачиликни ривожлантиришга йиллик режадагидан 54 фоиз кўп ёки 9 миллиард 966 миллион сўмлик микрокредит ажратилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун ажратилган кредитлар ҳам режадагидан 30 фоиз ортиқ бўлди ёки 4 миллиард 342 миллион сўмга етди.

Кўриниб турибдики, “Пахтабанк” аҳолининг турмуш маданиятини оширишга ҳам салмоқли ҳисса қўшаётир. Бу жараёнда бевосита қишлоқ аҳолисини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни замонавий мебеллар ва бошқа рўзғор техникаларини сотиб олишга рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратила бошлади. Қисқа муддатда “Пахтабанк”нинг вилоятлардаги филиаллари 6252 нафар шундай мижозга 5 миллиард 396 миллион сўм истеъмол кредити берди. Шу жумладан, йил давомида фақат “ROISON ELECTRONICS” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган электротехника воситаларини сотиб олиш учун 936,3 миллион сўм истеъмол кредити ажратилди.

Ушбу йўналишдаги режалар янада катта, кенг кўламли. Чунончи, Ўзбекистон аҳолисининг истеъмол эҳтиёжлари учун мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар билан ҳамкорлик доирасини кенгайтириш, аҳолининг истеъмол кредитлари воситасида ўз турмуш даражасини кўтаришга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида реклама ва тарғибот ишлари кучайтирилаётир.

Айни чоғда қишлоқ савдо ташкилотларидан озиқ-овқат ва бошқа халқ истеъмоли моллари сотиб олиш учун аҳолига кредитлар ажратиш миқдори кўпаймоқда. Ўтган йили озиқ-овқат ва бошқа истеъмол моллари сотиб олиш учун ажратилган кредитлар миқдори олдинги йилдагидан 4 миллиард 462 минг сўм кўп бўлди.

Халқаро ҳамкорлик — юксалиш қаноти

Республикамизда инвестицион муҳитнинг муттасил яхшиланиб бораётганлиги, иқтисодий салоҳият мустаҳкамланаётгани, халқаро операциялар самарали тус олаётганлиги — буларнинг барчаси изчил валюта сиёсатининг натижаларидир. Шу боис, “Пахтабанк”нинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳам кенгайиб бормоқда. Шуни айтиш жоизки, хорижий валюта билан операциялар асосий



линт, тўқимачилик маҳсулотлари, цемент, пахта териш машиналари, қишлоқ хўжалик техникаси, консервалар, шарбатлар ва шарбат маҳсулотларини кўплаб экспорт қилдиралар. Унинг умумий ҳажми бир йилда 1,9 марта кўпайиб, 49,2 миллион долларга етди. Экспорт маҳсулотлари 13 та давлатга жўнатилди. Импорт маҳсулотларининг таркибини, асосан, кимёвий ҳимоя воситалари, технологик асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, металл ва қурилиш ашёлари ташкил этмоқда.

“Travelex” ва “Western Union” халқаро пул ўтказиш тизимлари билан агентлик шартномалари тузилгани эса чакана банк хизматларини кенгайтириш имконини берди. Пул ўтказмаларини қабул қилиш ва бериш, валюта айирбошлаш шохобчалари тармоғи янада кенгайтирилди. Ҳозирги кунда “Пахтабанк” тизимида 273 та валюта айирбошлаш шохобчаси мижозларга хизмат кўрсатаяпти.

“Пахтабанк” халқаро ҳамкорлик, мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишга хорижий сармояларни жалб қилиш борасида ҳам бой тажрибага эга. Унинг нуфузли халқаро молиявий муассасалар – Германиянинг кфВ банки, Осиё Тараққиёт банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки билан ҳамкорлик доираси кенгайиб бораётир. Улар билан кредит йўналишларининг очилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг импорт ўрнини босувчи, рақобатбардошли, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаларини молиялаштириш имкониятларини кенгайтирмоқда. Фақат сўнгги бир йил ичида уларнинг 48 та инвестиция лойиҳасини молиялаштиришга эришилди. Натижада, 1550 дан ортиқ янги иш ўрни очилди. Бу лойиҳалар барча вилоятларда иқтисодиётнинг

“Пахтабанк” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилган ана шу ҳужжат асосида ўтган йил пахта етиштириш харажатларини молиялаштириш учун 36 минг 256 та қишлоқ хўжалик корхонасига 261,3 миллиард сўм иқтисодий кредит ажратди. Галла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун 30 минг 514 та қишлоқ хўжалик корхонасига ажратилган жами маблағ 55,3 миллиард сўмга етди.

ерашган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида ўзгаришларга учраётган иқтисодиётнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Ҳозирги кунда “Пахтабанк” филиаллари ва бўлинмаларининг 1 миллиондан ортиқ мижози бор. Уларнинг 1 миллиард 200 миллион сўмдан ортиқ маблағлари банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Изланиш давом этмоқда

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш миқёсларини кенгайтирди.

Коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи, икки йил муддатли “Маиший тўлов” ва уч ойдан бир йилгача муддатли омонат турлари ҳам аҳолининг кенг қатламларида алоҳида қизиқиш уйғотаётир.

Шу сингари ташкилий-тарғибот ишлари, омонатларни кафолатлаш кучайтирилганлиги натижасида, 2006 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, аҳолининг банкдаги жами жамғарма ва муддатли омонатлар қолдиғи йил бошидаги миқдорга нисбатан салкам икки баробарга кўпайди. Натижада, банкнинг республика депозит бозоридаги ўрни мустаҳкамланиб, молия бозоридаги мавжуд молия воситалари турларини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш учун пухта замин яратилди.

Кейинги пайтда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш ҳам банк бизнесининг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда. Унинг кўламларини кенгайтира бориб, “Пахтабанк” ўтган йилнинг охирига келганда мижозлар ўртасида жойлаштирилган пластик карточкаларни 562 минг 665 тага етказишга эришди. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида 2 минг 103 та терминал ўрнатилди.

Олиб борилган ташкилий-техникавий тадбирлар туфайли пулнинг пластик карталар орқали айланиши бир йилда 3,3 баробар ортди. Пластик карта ҳисоб-варақларидаги қолдиқ маблағ 9 миллиард 400 миллион сўмга етди.

Савдо шохобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали ўтказилган пластик карталар орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 2006 йилда 2,5 баробар кўпайди. Бу эса ўз навбатида, банкнинг ушбу йўналишдаги даромадларини ҳам анчагина оширди.

Ҳозирги кунда “Пахтабанк” ўз мижозларига 20 дан ортиқ турдаги банк хизматларини кўрсатмоқда. Банк ўз мижозларига ҳар ойда 1 миллиондан ортиқ банк ҳисоботларини тақдим этади. Ҳисоботларни олиш учун мижозлар банкка бориши шарт эмас. Улар ҳисоботларни электрон почта орқали ҳам олишлари мумкин.

Банк ўз мижозларига ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатишни ҳам йўлга қўйди. Бу хизмат доирасида мижозларга банк хизматларидан самарали фойдаланиш, ҳисоб-китобларни ташкил этиш, ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш, банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш борасида маслаҳатлар берилади.

Банк ўз мижозларининг ишончини оқлаш, уларнинг ҳисоб-китобларини ишончли ва тезкор амалга ошириш учун ҳар доим ҳаракат қилади. Мижозларнинг ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун банкнинг 1 минг 200 дан ортиқ ходими 24 соат давомида навбатчилик қилади.

Банк ўз мижозларининг ҳисоб-китобларини амалга оширишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланади. Ҳозирги кунда “Пахтабанк” мижозларининг 90 фоиздан ортиқ ҳисоб-китоблари “Клиент-банк” тизими орқали амалга оширилмоқда

Қаландарнинг башорати

(Боши 1-бетда)

Унинг қўлида бир қоғоз. Унда қандайдир сўзлар ёзилган. Қаландар дейди:

- Шу қоғознинг қадрига ким етади? Ўша кишига буни минг тиллога сотар эдим.

Темур азбаройи қизиққанидан қаландардан ўша қоғозни минг тиллога сотиб олди.

Қаландар Темурнинг бўйи бастига, қомати ва юзига қаттиқ тикилди. Сўнг унинг ким экани, ота-бобосининг кимлигини сўради. Шундан сўнг қаландар Темурга деди:

- Отангнинг ҳузурига боргин, бу қоғозни очиб, отангнинг олдида унда ёзилганларни ўқигин. Лекин унгача мактубни очишни хаёлингдан чиқар...

Шундан сўнг қаландар кетмоққа отланди. Темур ундан сўради:

- Отингиз нимадур?

- Отим қоғозда ёзилган. Очиб ўқиганда биласан.

Темур отаси ҳузурига келганда, падари ундан сўради:

- Бозорда тушган пулга бирор мато олдингми?

Темур отасига қаландардан сотиб олган қоғозни кўрсатди. Тарағай Баҳодир бу ҳолдан бир оз хафа бўлди.

Темур қоғозни очиб, унда ёзилган хатларни ўқиди. Қаландарнинг оти Камол Хўжандий экан. Бу қоғозда Камол Хўжандийнинг қуйидаги шеъри ёзилган эди:

Он каски, тамоми даҳр бигрифт нахуст,
Заврақи замона ситами зулм бишкаст.
Жамшиду Сулаймону Сикандар гузашт
Бархез миён банда ки то навбати ту аст.

Маъноси:

Биринчи бор бутун дунёни эгаллаган
Кемаси ситам ва зулм замонасини йўқ қилган
Жамшид, Сулаймон ва Сикандар ўтиб кетдилар
Тур, эй ўғил, энди сенинг навбатинг келди.

Шундан маълум бўладики, Амир Темурнинг жаҳонгирлигини машҳур шоир ва файласуф Камол Хўжандий башорат қилган экан.

Бу воқеа "Темурнома"да ёзилишича, 755 ҳижрий ёки 1350 йилда юз берган...

* * *

...Амир Темурнинг улуғ замондошларидан бири машҳур сўз устаси Ҳофиз Шерозий эди. Навоий Ҳофизнинг "Лисон ул ғайб ва таржимон ул асрор", яъни ғайб сўзларини етказувчи тил эгаси ва барча дунё сирларини таржима эта олувчи ижодкор эканлигини ёзган.

Ҳофизнинг шуҳрат топган ғазалларидан бири бундай байт билан бошланади:

Агар он турки Шерозий бадаст орад дили моро
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.

Таржимаси:

Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.

Шу байт туфайли Ҳофиз ва Амир Темур ўрталарида бўлиб ўтган латифаомуз бир суҳбат адабиёт аҳли орасида кенг ёйилган.

Амир Темур 1387 йил 12 декабрда (30-Зулқаъда, пайшанба, 789 ҳижрий йили) форс вилоятига келди. Бу ерларнинг ҳукмрони бўлмиш Муҳаммад Музаффар авлодлари Керман, Йазд, Саржондан ғолиб Амир ҳузурига келиб, унга бўйсунганларини билдирдилар.

Амир Темур уларга форс ва Ироқи Ажамнинг турли вилоятларини бўлиб бериб, ҳоким этиб тайинлади.

Амир Шероз шаҳрида икки ой турди. Шу вақтда у Ҳофиз Шерозий билан учрашган. Амирнинг чақириғига кўра унинг ҳузурига келган шоирнинг уст-боши хароб ҳолда эди. Улар саломлашиб, суҳбатга тушганларидан сўнг Амир Темур шоир Ҳофизга юқоридаги байтни эслатади ва ёмон кайфиятда дейди:

- Мен Бухоро ва Самарқандни улуғламоқ мақсадида урушлар қилиб, қанча халқлар, мамлакатларни тобе этмоқдаман. Сен эса менинг бу икки буюк шаҳримни ўз гўзаллигига совға қиласан. Бу қандай гап?

Хароб кўринишдаги шоир тавозе билан Амирга жавоб қайтариб дейди:

- О, улуғ жаҳонгир. Менинг ҳолимга назар сол. Ҳаддан зиёд саховатим туфайли ўзим ана шундай ночор аҳволга тушиб қолганман-да.

Амир кулиб юборади. Шоирнинг ҳозиржавоблиги унинг нохуш кайфиятини кетказади.

"Паҳлавон" редиска еганмисиз?

Айни баҳор палласида одамнинг иштаҳасини очадиган табиат неъматларидан бири редиска ҳисобланади. Редиска Оврупода XIV асрдан бери экилиб келинмоқда. Баъзи мамлакатларда бу неъматни "француз турпи", деб атайдилар.

Редискалар таркибида 1,2 фоиз оқсил, 3,2-4,1 фоиз карбонсувлар, В, РР белгили дармондорилар, маъданли унсурлардан калий 255 мг фоиз, кальций, магний, фосфор, темир кабиларни сақлайди: С белгили дармондори 65 мг фоиз миқдорида бўлиб, осон ҳазм бўлиш хислатига эга. Редиска баҳорий салатлар учун энг мақбул неъматлардан бири ҳисобланади.

Таниқли олим Т.Ширконинг ёзишига қараганда, редиска асосида тайёрланган салат сметана ҳамда ўсимлик мойи билан ишлов берилса, сафро ҳайдаш хусусиятига эга бўлиб, иштаҳани очади, ошқозон-ичакнинг тўлқинсимон фаолиятини яхшилайди, ични юмшатиб, дахмаза моддалардан фориғ этади.

Кўклам неъматлари

Редискани йилнинг бошқа фаслларида ҳам салат тайёрлашда фойдаланиш учун консервалаб қўйиш айни муддао. Бунинг учун редиска яхшилаб ювилиб, илдиз учлари олиб ташланади ва паррак-паррак қилиб тўғралади. Барра пиёз ва крафш ҳам майдалаб тўғралади. Ёғ 120-130 даража ҳароратда 10-12 дақиқа атрофида қиздирилади. Сўнг совитилади. Барча майдаланган маҳсулотлар кастрюлькага солиниб, яхшилаб аралаштирилади.

Сув иситилади, унга туз ва қалампир солиниб, қайнаш даражасигача олиб борилади-да, сўнг 60-70 даражага қадар совитилади. Шундан сўнг маҳсулотга ошхона сиркаси ёхуд қизил қорақат шарбати қўшилади.

Шиша банкалар рисоладагидек қилиб ювилиб, буғда қуритилади. Ҳар бир банкага 3 ош қошиқ миқдорида қиздирилган ўсимлик ёғи қуйилиб, унинг устига тайёрланган сабзавотли аралашма жойланади ва идишлар қопқоғи беркитилади.

Доно ХЎЖАЕВА

"Кўзингни юм, ёз келяпти!"

Малака ошириш институтига ўқишга келган Алижон бир ҳафтадирки шу шаҳарда яшаётган, собиқ курсдоши Туробжон билан фақат телефонда гаплашади.

Бугун унинг олдига боришга ваъда бериб қўйган. Туробжон бундан ўттиз йил аввал бирга ўқиган қадрдонларини кўрдими, тамом – ҳамма ишини йиғиштириб қўяди. Чойхона, қозонкабоб, уч-тўртта оғайниси билан гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда базми жамшид, уйида меҳмондорчилик. Ўзиям шу қадар яйраб кетадики, талабалик йилларини эслаб беғубор, ғўр йигитга айланади-қўяди. Бугун ҳам шундай бўлди. Обдон гурунглашишди.

Ҳажвия

Алижонни кузатгани чиққан Туробжон юрган йўлларимизни яна бир эслашайлик, деб дўстини пиёда юришга ундади.

–Мен-ку юришга юраверараман, – кўзлари бироз сузилганча деди Алижон. – Келганимга беш-олти кун бўлган бўлса, бир нарсани ҳеч тушунолмаяпман. Ажабтовур кийиниб олишганини қара. Шунақасиям бўларканми?

–Парво қилма, – деди Туробжон. – Ҳа энди, бу ёғи ёз бўлса. Салқин юриш учун енгил-елпи кийинади-да.

–Ия, қизиқ экансан-у, – Алижон тўхтаб, дўстини энди кўраётгандек қаради. – Қўшдан сақланиш учун бош кийим, узунроқ кўйлак кийилмайдими?

–Осмондан тушдингми, дунёда мода деган гаплар бор, оғайни. Қолаверса, биз эркаклар ҳам офтобдан кўрқмаймиз-ку.

–Модангда ҳам меъёр бордир. Буни қара, шимининг тугмаси киндигидан бир қарич пастда, кўйлак дегани йўқ ҳисоби.

–Қайси асрда яшаяпсан? – Туробжон Алижоннинг жиғига тегиш учун атайлаб шундай деди. – Цивилизация, глобаллашув, деган тушунчалар бор...

–Устимдан кулмасанг-чи. Бунақа очиқ-сочиқ кийинса, ҳар қандай одам шамоллаб қолади-ку.

–Тоққа чиқмасанг дўлона қайда, деган экан машойихлар. Мода қурбонликни талаб қилади.

–Ия, ия, анави опани телевизорда кўриб юрардим. Тавба, шим киярқан-а. Гаплари бошқача эди-ку.

–Ҳадеб "ия, ия"лайверма, одамлар сенга қарашяпти. Хижолат қилмагин.

Алижон дўстига илтижоли боқди:

–Балки мен қариётгандирман, а, нима дейсан?! Ҳамма нарсани ўз қаричим билан ўлчашга ўрганиб қолдимми-кан?

–Ана, энди мен етиб келган жойга етиб келдинг, – Туробжон Алижонга тасалли берди. – Ёз яқинлашса, мениям юрагим безиллайди.

–Ия, анавини қара. Войдод-ей.

–Бор экансан-ку, боядан бери йиғи-сиғи қилавериб эзиб юбординг. Нуқул бобонг билан момонгдан қолган эртакни айтасан.

–Нималар деяпсан, Туробжон. Писта олаётган қизни айтаяпман. Энгашганда... кўзларимни қаёққа яшираман-а?

Хусан СУЛАЙМОНОВ

Қашқадарёликлар биринчи

Қарши олимпия захиралари коллежи манежида каратэ бўйича VII Ўзбекистон чемпионати баҳслари ўтказилди.

200 дан ортиқ каратэчилар татамига чиққан беллашувлар якунида ўз вазн тоифаларида Ноил Каспўлатов, Нодир Хожиев, Илҳом Каримов (Қашқадарё), Шоҳруҳ Раупов (Самарқанд), Дониёр Хушматов (Андижон) ва пойтахтлик Рустам Ашуров шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Аёллар ўртасидаги беллашувлар интиҳосида ҳам энг кўп олтин медаллар мезбонларга насиб этди. Осиё ўйинлари ғолиби София Каспўлатова ва Мадина Рустамова ҳамда Лусия Бойбулатова барча рақибларидан устунликларини намоён қилишди. Шунингдек, Гулбаҳор Дадабоева (Наманган вилояти) ҳам ўз вазн тоифасида мамлакатимизнинг биринчи рақамли каратэчиси эканлигини исботлади.

Умумжамоа ҳисобида Қашқадарё вилояти биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Тошкент шаҳри ва андижонлик каратэчилар иккинчи ҳамда учинчи поғоналардан жой олишди.

Голиблар аниқланди

Пойтахтимиздаги "ЖАР" спорт-соғломлаштириш мажмуасида каратэнинг шотакан йўналиши бўйича V Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Қизиқарли ва кескин курашларга бой бўлган ката беллашувлари якунида ўз вазн тоифаларида Мирҳамид Мироқилов, Дониёр Усмонов, Ринат Кутуйев, Азиза Эшбоева ҳамда Дилдора Каримова ғолибликка сазовор бўлишди.

Кумите баҳсларида эса Эркин Обидов, Азиз Нуриддинов, Жамшид Абдулбоқиев, Дилноза Дўстмуҳаммедова ва Нигора Абдукаримова барча рақибларидан устунликларини намоён қилишди.

Жамоалар ўртасидаги ката мусобақаларида "Азамат-Карим" клуби, Фарғона ва Андижон вилоятлари вакиллари совринли ўринларга сазовор бўлишди.

Машина қайтарилди

Ўтган сешанба куни россиялик спортчи Светлана Журовага тегишли бўлган "LexusRX-350" русумли машина ўғирлаб кетилганди. "Коммерсант"нинг хабар беришича, автомобиль эгасига қайтарилган.

– Менга милициядан телефон қилишди ва машинам ўғирланган жойдан узоқ бўлмаган бир ҳовлидан уни олиб кетишим мумкинлигини айтишди, – деб маълум қилган Светлана.

Унинг сўзларига кўра, ўғрилар "LexusRX-350"га деярли жиддий зарар етказишмаган. Фақатгина давлат рақами ўзгартирилган. Салондаги шахсий буюмлар ҳам ўз жойида қолдирилган.

Эслатиб ўтамиз, Светлана Журовага ушбу машинани 2006 йил Россия президенти Владимир Путин Турин олимпиадасида зафар қучгани учун ҳадя этганди. У чанғида тез югуриш баҳсларида олтин медаль сохибаси бўлганди. Милициянинг маълум қилишича, ўғрилар машина президент совғаси эканлигини билишганларидан сўнг уни эгасига қайтариб беришган.

"Рома" "Манчестер Юнайтед"ни мағлуб этди

4 апрель куни футбол бўйича Европа Чемпионлар лигаси чорак финалининг яна икки ўйини бўлиб ўтди.

Лондоннинг "Челси" клуби "Стэмфорд Бридж" ўйингоҳида Испаниянинг "Валенсия" клубини қабул қилган бўлса, "Манчестер Юнайтед" Римда "Рома"га қарши майдонга чиқди.

"Челси" ўз майдонида тўп суришига қарамай, биринчи бўлиб гол ўтказиб юборди. "Кўршапалаклар"нинг ярим ҳимоячиси Давид Сильва кучли зарба билан тўпни Петр Чех қўриқлаётган дарвоза тўққизлигига жойлаб қўйди – 0:1. Ўтказиб юборилган голдан сўнг "аристократлар" ҳам ҳужумга зўр беришди ва Дидье Дрогба ҳисобни тенглаштирди – 1:1. Гарчи учрашувда устунлик "Челси"да бўлган бўлса-да, Жозе Моуриньо шогирдлари муваффақият қозонолмади.

Римда бўлиб ўтган ўйин ҳам хавфли вазиятларга тўла кечди. 34-дақикадан бир киши кам бўлиб (Пол Скоулз) ҳаракат қилган "Манчестер Юнайтед" 1:2 ҳисобида "Рома"га имкониятни бой берди.

Лучано Спаллетти шогирдларидан Таддеи ва Мирко Вучиничлар гол киритишди. "Қизил иблислар"нинг ягона жавоб тўпи Уэйн Руни номига ёзилди. Энди 10 апрель куни "Валенсия" ўз майдонида "Челси"га қарши тўп сурса, "Рома" "Олд Траффорд"да "Манчестер Юнайтед" билан ярим финал йўлланмаси учун кураш олиб боради.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Шоҳ ва мот



Тўрт юришда мот.

Анвар ИНОҚОВ тайёрлади.



Оқлар ғалабага эришади.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошнинг "Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа марказида чоп этилган "Ёниқ сўз" китоби тақдимоти ўтказилди.

"Ёниқ сўз"

Тақдимот

Унда таниқли олимлар, шоир ва адиблар, жамоатчилик вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан олимлардан Насимжон Раҳмонов, Умарали Норматов, Курдош Қаҳрамонов, Усмон Қосимов, шоир ва адиблардан Муҳаммад Али, Азим Суюн, Эркин Самандаров ва бошқалар "Ёниқ сўз" китобининг бугунги адабий танқидчилигимизда тутадиган ўрни, ўзига хос жиҳатлари хусусида тўхталдилар.

Шу билан бирга, талабалар, ўқитувчилар учун муҳим қўлланма бўла оладиган мазкур янги китобга эҳтиёж орта бориши, унинг анча кам нусхада нашр этилганлиги тилга олинди. Янада кўпроқ нусхаларда чоп қилинса, барча адабиёт ихлосмандларига муҳим манба сифатида кўмак бериши таъкидланди.

"Ёниқ сўз" тўпламига, асосан, муаллифнинг турли йилларда матбуот нашрларида чиққан мақолалари киритилган.

Д.МАТКАРИМОВА

Утерянный гос.ордер № 04-01/9011 от 20.01.1993 г. права собственности на квартиру на имя Саидов Шухрат Шукруллаевич, считать недействительным.

Утерянная круглая печать ЧФ "AL-RAMIS" (код по ОКПО 14931127, ОКОНХ 83200) Шайхантахурского района г.Ташкента, считать недействительным.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "EUROASIA-FALLER" қўшма корхонаси таъсисчилар умумий мажлисининг қарорига асосан корхона Устав фондини 295 803 АҚШ долларидан 187 000 АҚШ долларигача камайтирганини маълум қилади. Тел.: 170-56-15.

ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА МАРҲАМАТ!

Тошкент Давлат Аграр университети 2007-2008 ўқув йилида Республикамизнинг барча ўқув юртларига тест синовлари асосида кириш учун 2007 йил 1 майдан бошлаб 3 ойлик пуллик тайёрлов курсига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Тошкент Давлат Аграр университетининг пуллик тайёрлов курси тингловчиларни Ўзбекистон Республикасининг барча олий ўқув юртларига кириш учун қуйидаги фанлар: математика, физика, кимё, биология, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда чет тили фанлари бўйича тест синовлари топширишга тайёрлайди.

Тингловчиларнинг ўқиши, овқатланиши, даволаниши ва дам олиши учун барча шароитлар мавжуд. Тингловчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш учун ойига 50 минг сўмни нақд ёки пул ўтказиш йўли билан тўлаш мумкин.

Ҳарбий хизматни ўтаб, йўлланма билан келган ёшлар ҳамда "Меҳрибонлик уйлари" битирувчилари бепул ўқитилади ва давлат томонидан берилган барча имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ҳужжатлар 2007 йилнинг 30 апрелигача қабул қилинади. Ўқиш 2007 йил 2 майдан бошланади. Тайёрлов курсига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

1. Ариза
2. 3х4 ўлчамли 2 дона фотосурат
3. Аттестат нусхаси

Тайёрлов курсида ўқиш университетнинг малакали профессор ва ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

Ҳужжатлар тайёрлов курси биносининг 2-қават 3-хонасида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: 63-75-07

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги "SIMMELI-SMAIL" МЧЖ Устав фондини 150 000 (Бир юз эллик минг) АҚШ долларидан 97 000 (тўқсон етти минг) АҚШ долларига камайтирганлигини маълум қилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 702-23-35, 361-35-62.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "AREVIK SHOU-BIZNES" масъулияти чекланган жамияти тугатилмоқда. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 119-13-61.

ООО "SANQURILISH-TA'MIN" Сергелийского района г.Ташкента сообщает о слиянии на ЗАО "QURILISH POLIMER SERVIS" и переименуются на ООО "QURILISH POLIMER SERVIS". Претензии принимаются по тел.: 58-25-47.

ЧФ "ELIS-ALKOM" Мирзо Улугбекского района г.Ташкента реорганизуется в ООО "ELIS-ALKOM" (код по ОКПО 19094860). Претензии принимаются в течении двух недели со дня опубликования объявления по адресу г.Ташкент, ул.Буюк Ипак йўли, 103.

Утерянное свидетельство № 029026 от 05.05.98 г. о включении хозяйственного субъекта в Государственный регистр предприятий и организаций по ЧФ "Кумуш зарра", считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 04-02/11246 от 01.02.1993 г. права собственности на квартиру на имя Шадиева Назира Холмирзаевна, считать недействительным.

АВТОТРАНСПОРТ – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

Утерянный диплом АС № 072382, выданный 07.07.97 г. на базе проф.школы № 13 на имя Воротняк Темур Иномович, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 05-21/69 от 26.04.1993 г. права собственности на квартиру на имя Дятловой Евгении Васильевны, считать недействительным.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси вазирлик тизимидаги хўжалик ҳисобидаги қишлоқ хўжалигини техника ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш "Келес" базаси директори Велиев Ибрагим Микоил ўғлига акаси **ВЕЛИЕВ Исроил Микоил ўғли**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси ижодий жамоаси Бош муҳаррир ўринбосари Ҳ.Темировга қайнонаси **Кибриё НАИМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳузуридаги Қўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжалиги бошқармаси жамоаси Зарафшон давлат қўриқхонаси директори Ғ.Тугаловга онаси **ЗУЛАЙХО АЯнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Ўткир РАҲМАТ, Ағитай АДИЛОВ, Ўктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25,
Котибият - 133-95-17,
Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04,
Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпогистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61;Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
ⓗ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Ф.АБИЛОВ
Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
Бош мусаҳҳиҳ: Ҳ.ТОШХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-317, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 22.10.
Босишга топширилди: 22.10
Адади - 17910

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5